ЎЗБЕК ТИЛИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ПРЕСУППОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРУВЧИ БАЪЗИ ЛИСОНИЙ ОМИЛЛАР

З.БУРХОНОВ

В данной статье проанализированы вопросы пресуппозиции глаголов в узбекском языке. Раскрыты языковые закономерности, оказывающие действие на глагольную пресуппозицию.

The author of the article tries to analyze the peculiarities of the presupposition in the Uzbek verbs. He wants to display the factors having a noticeable influence on the verbal supposition of the Uzbek verbs.

Маълумки, пресуппозиция муайян тил бирликларининг ишораси орқали англашилувчи объектив вазият ифодаси бўлиб [1,2], синтактик қурилмада бевосита акс этмайди. Пресуппозиция орқали ифодаланувчи ахборот яширин тарзда ифодаланади ва синтактик қурилмани семантик жиҳатдан мураккаблаштиради. Яъни, содда гаплар пресуппозиция ҳисобига мазмунан мураккаблашади. Бу масала ўзбек тилшунослигида айрим тадқиқотларда ўрганилди [3-7]. Пресуппозициянинг юзага чиқишида асосий вазифани бажарувчи пресуппозиция сигналларининг ҳар бири алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилишни тақозо этади. Бу эса пресуппозиция сигналларининг контекст, нутқий вазият, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари каби омиллар билан боғлиқ ҳолда қўлланганда вазифавий имкониятлари кенглигидан далолат беради.

Ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи маҳсулдор тил бирликларидан бири морфологик воситалардир. Морфологик бирликлар ичида феълнинг пресуппозиция сигнали вазифасини бажариши махсус тадқиқни талаб этади. Негаки феъл туркумига оид сўзлар ўзининг салмоғи ва нутқий имкониятларининг кенглиги билан бошқа туркум сўзлардан ажралиб туради.

Ўзбек тилида ҳаракат-ҳолат тушунчасини англатувчи айрим феъллар контекст, вазият, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари, тил кўникмаси билан боғлиқ ҳолда гапда муайян пресуппозицияга – яширин ифодаланувчи қўшимча ахборотга ишора қила олади. Феълларнинг гапда нутқ вазияти билан боғлиқ тарзда пресуппозицияни ифодалаши қуйидаги лисоний омиллар асосида амалга ошади:

а) феълларнинг антонимик муносабатга киришуви асосида гапда семантик жиҳатдан ўз зиддига ишора қилиши асосида;

б) феълларнинг факультатив маъно компонентлари асосида гапда қўшимча ахборотни ифодалаши асосида;

в) феълларнинг ҳаракатнинг табиий асосига ишора қила олиши асосида;

г) феъл англатган ҳаракатнинг объектив шароитлар билан боғлиқ ҳолда амалга ошиши ва гапда унга ишора қилиши асосида;

д) феъл англатган ҳаракатнинг бирдан ортиқ ҳаракат субъектига эга бўлиши ва гапда уларнинг ҳар бирига ишора қилиш асосида.

Айрим феълларнинг табиатида ўзининг қарама-қарши маъноли бирлигига ишора қилиш хусусияти мавжуд. Бундай феъллар гап таркибида антисемик жуфти орқали англашилувчи яширин ахборотнинг тушунилишига йўл очади. Мазкур ҳолатда антисемик жуфтликнинг гап таркибида очиқ ифодаланган феъл шакли пресуппозицияга ишора қилувчи воситага айланади. Буни феъл иштирокида тузилган қуйидаги гапда ҳам кузатиш мумкин: *Аксига олиб чироқ ўчиб қолди*. (Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”)

Ушбу гапда *ўчиб қолди* феъли пресуппозиция сигнали сифатида *“Чироқ ёниқ эди”* яширин ахборотига ишора қилади. Бу ўринда *ўчиб қолди* феълининг *ёниқ эди* лексемаси билан контекстуал антисемик муносабатга киришуви пресуппозициянинг юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, объектив борлиқда муайян ёнувчи нарса-буюмнинг *ўчиб қолиш* ҳолатига келиши учун шу нарса-буюм бошланғич ҳолатда, яъни *ёниқ* ҳолатда бўлиши муҳим. Мана шу объектив ҳолат *ўчиб қолди* феълида акс этган ҳолатнинг юзага чиқиши учун шарт бўлган бошланғич ҳолатга ишорани шакллантиради. Бунинг натижасида *ўчиб қолди* феъли орқали гапда унинг зиддини акс эттирувчи пресуппозиция ифодаланади.

Шунингдек, нутқий қўлланишда *“Чироқ ёнди”* синтактик қурилмасидан *“Чироқ ўчиқ эди”* пресуппозицияси англашилади. Мазкур пресуппозициялар *ўчиқ* ва *ёниқ* сўзларининг антонимик муносабатга киришувидан юзага чиқади. Юқорида қайд этилган пресуппозицияларнинг тингловчи томонидан тезда идрок этилиши антонимик жуфтликни ҳосил қилувчи бирликларнинг бир-бирини ёдга солиши билан боғлиқ.

Нутқда айрим феълларнинг факультатив маъно компонентлари асосида ҳам пресуппозицияга ишора кузатилади. Бу феълларга хос муҳим хусусият шундаки, улар муайян келишикли сўзшакллари билан боғланиб, ундан англашилган нарса-предмет билан боғлиқ воқеликни акс эттирувчи турли пресуппо-

зицияларга ишора қилади. Масалан, *қутулмоқ* феълининг ўзбек тилида қуйидаги маъно оттенкалари мавжуд: 1) кўнгилсиз, оғир, хавфли ва шу каби ҳолдан халос бўлмоқ; 2) сақланмоқ, омон қолмоқ; 3) банди, тутқин каби ҳолатдан бўшамоқ, бўшаб чиқмоқ [8].

Қуйидаги гапда *қутулмоқ* сўзининг учинчи маъноси орқали пресуппозиция шаклланган: *"Ўн йил деганда бу темир деворлар исканжасидан қутулдим"* (Н.Исмоилов). Бу гапнинг асосий предикати бўлмиш *қутулдим* феълининг семантикасида *бирор нарса ёки ҳолат исканжасида (тутқунлигида) бўлмоқ* ахборотига ишора мавжуд. Шунга кўра мазкур гапдаги феълнинг пресуппозицияга ишораси орқали *"Ўн йил бу темир деворлар исканжасида бўлдим"* яширин ахбороти англашилади.

Ўзбек тилида муайян ҳаракат ифодаловчи феъллар ўзининг юзага чиқиши учун табиий асос вазифасини ўтаган таянч ҳаракатга ишора қилади. Бундай ҳолларда айни феъл ўзининг юз бериши учун зарурий бўлган ўзга ҳаракатга – ўзининг табиий асосига ишора қилишга хосланади. Феълга хос бу хусусият муайян нутқий вазиятда, контекстда реаллашади. Кесими бундай феъллардан ташкил топган гапларда бирдан ортиқ ахборот акс этади. Бири гапнинг феъл-кесими орқали шаклланувчи ахборот бўлса, иккинчиси бу феъл-кесим ишора қилган яширин ахборот, яъни пресуппозиция ҳисобланади. Буни қуйидаги мисоллар таҳлилида кузатамиз: *Машина...тўсатдан ўти ўчиб қолгандек тақа-тақ тўхтайди*. (Х.Тўхтабоев. "Сариқ девни миниб")

Ушбу гапда қўлланган *тўхтайди* феъли «ўз ишини, ҳаракатини, фаолиятини бас қилмоқ, юрмай қолмоқ» [8] маъносини англатади. Бу феъл англатган ҳаракатнинг юз бериши учун инсон, машина, табиат ҳодисалари ва шу кабиларнинг ҳаракати амалга ошиши лозим. Демак, мазкур феъл ҳаракатдан бира тўла ҳолатга ўтишни ифодаловчи феъл сифатида тўхтаб турган ҳолатгача бўлган ҳаракатга ишора қилувчи пресуппозияга йўл очади. Кўринадики, ушбу гапдан *тўхтамоқ* феълининг ишораси асосида «*Машина юраётган эди*» ахбороти англашилади.

Баъзи феъллар улар англатган ҳаракатга сабаб бўлган объектив шарт-шароитлар билан боғлиқ тарзда пресуппозицияни акс эттиради. Бундай феъллар англатган ҳаракат муайян нарса-предметлар билан боғлиқ ҳолда амалга ошиши сабабли улар семантикасида шу предметлар ёки шу предметлар устида юз берган бирор воқелик ҳақидаги ахборотга ишора шаклланади. Масалан, *қидирмоқ* феъли «йўқолган ёки зарур бўлиб қолган ва мавжудлиги тахмин этилаётган нарсани топиш учун урунмоқ, топишга ҳаракат қилмоқ» маъносини англатади. Масалан: *Уч соатга яқин қўй* ***қидирдик***. (Ғ.Ғулом. «Шум бола»)

Ушбу гапдан англашилувчи «*Қўй йўқолган эди»* пресуппозицияси *қидириш* ҳаракатининг амалга оширилишига сабаб бўлган воқелик сифатида юзага чиқади.

Ўзбек тилида семантик жиҳатдан ҳаракатнинг икки шахс томонидан амалга оширилишини акс эттирувчи феъллар ҳам мавжуд. Кесими бундай феъллардан ташкил топган гапларда ҳаракат бажарувчисининг ҳар бири очиқ акс этмайди. Шу сабабли бундай феъл-кесимли гапларда очиқ акс этмаган ҳаракат бажарувчисига ишора кузатилади. Масалан, «*Укам билан олдиндан келишиб олдик»* гапида қўлланган *келишиб олдик* феъли ҳаракатнинг бир неча шахс томонидан амалга оширилганлигини англатади. Маълумки, *келишув* бир неча шахс томонидан амалга ошириладиган жараён. Шунга кўра, ушбу гапда *келишиб олдик* феъли орқали *«Биз келишиб олдик»* пропозицияси ифодаланган. *Биз* олмоши бу ўринда бирдан ортиқ шахсга ишора қилиб, мазкур бир неча шахс ичида *мен*, яъни *сўзловчи шахс* ҳам тушунилади. Шунга кўра ушбу гапда *"Укам келишди", "Мен келишдим"* пресуппозициялари шаклланади.

Англашиладики, нутқда айрим феъллар пресуппозицияга ишора қила олади. Бу ҳолат уларнинг прагматик вазифа бажара олиш имкониятига ҳам эга эканидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Кифер Ф. О пресуппозициях. Перевод с англ. О.Г. Резвиной. // Новое в зарубежной лингвистике. - М., 1978
2. Рытове Л.Г. Пресуппозиционный аспект обращения. // Синтаксическая семантика и прагматика. - Калинин, 1982. - С. 131.
3. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1986. - № 6. - Б. 42-45
4. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном... дис.автореф.- Самарқанд,1994.- 23 б.
5. Лутфуллаева Д. *Ўрнига* кўмакчили конструкциялар пресупозицияси//Ўзбек тили ва адабиёти.-1996.-№5.- Б.46-48
6. Хайназарова М. Сўроқ гапларда шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол.фан.ном... автореф.-Т.,2000.- 23 б
7. Бурҳонов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2008. - 27 б.
8.Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 60000 сўз бирикмаси / Акобиров Б.Ф., Алиқулов Т.А., Иброҳимов Б.И., Зуфаров Б.З., ва бошқалар. – М.: Русский язык, 1981

Тошкент вилоят давлат педагогика институти,
2011 йил 12 декабрда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)